КУТИЛГАН, КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР...

## БИЗ БИЛМАГАН АМРИҚО

Биз Амриқо ҳақида озми-кўпми тасаввурга эгамиз, уни биламиз. Лекин Амриқо футболини яқин-яқингача умуман билмас эдик. Қаранг, чемпионат арафасида имкониятлари паст баҳоланган АҚШ футболчилари муҳлису мутахассисларни ҳайратга солиб, 9 имкониятдан 4 очко жамғаришиб, кейинги босқичга йўлланма олишди. Амриқолик футболчилар ўз ўйинлари билан техник ва тактик жиҳатдан Оврўпо ва Жанубий Амриқо жамоаларидан қолишмасликларини кўрсатишяпти. Агар жамоа чемпионатда яхши кўрсаткичларга эришса, унда мамлакатда профессионал футбол лигаси тузилар эмиш. Ҳай, бу ҳам яхши ният, хайрли тадбир.

Футбол қироли Пеле Колумбия терма жамоасига юқори баҳо бериб, уни чемпионликка асосий даъвогарлардан деган эди. Лекин колумбияликлар яхши ўйин кўрсатишолмади, шу сабабдан улар чемпионат билан барвақтроқ хайрлашадиган бўлишди.

## САЛЕНКО — МИЛЛА — 5:1

"Ўйнаса бўларкан-ку... "В" гуруҳидаги сўнгги Россия-Комерун учрашувидан сўнг кўпгина муҳлисларнинг дилидан шу гап ўтди. Чемпионатда кичик мўъжиза деб тан олинаётган бу учрашув чиндан ҳам шов-шувга сабаб бўлди. Ўйиннинг илк дақиқалариданоқ ташаббусни тўла қўлга олган россияликлар том маънода мўъжиза кўрсатдилар. Биринчи тайм 3:0 ҳисоби билан тугаган бўлса, Жозер-Антуан белл қўриқлаётган комерунликлар дарвозаси иккинчи таймда ҳам яна шунча марта аниқ нишонга олинди.

Ўйиннинг иккинчи ярмидан майдонга тушган комерунликларнинг энг суюкли ўйинчиси, "Италия – 90" чемпионатининг донгдор футболчиси Раже Милла оёғига тўп келиб тушиши билан Черчесовни дарвозадан тўп олиб чиқишни мажбур қилди. Милланинг ушбу голи йирик ҳисобда мағлубиятга учраётган Комерун терма жамоасини руҳлантириб юборгандай бўлди. Аммо ўтказиб юборилган тўпдан сўнг россияликлар яна ҳужумга зўр бердилар ва ташаббусни эгаллаб олдилар. Натижада улар бир тўпга рақиблар дарвозасига уч тўп киритиб жавоб бердилар. Ушбу ўйинда Олег Саленко кетма-кет бешта тўп киритди. Олегнинг голларига Ратченко нуқта қўйди. Бир ўйинда бешта (бунақаси бўлмаган эди), умуман чемпионатда олтита тўп муаллифи бўлган Саленко тўпурарлар рўйхатида карвонбоши бўлиб турибди.

Гуруҳлардаги саралаш ўйинлари тугади. Россия уч очко билан "В" гуруҳида учинчи ўринни олди. Тўплар нисбати 7:6. 1/8 финалга эса...

## ИККИНЧИ ТЎПУРАР

"С" гуруҳидан Олмония ва Испания терма жамоаларининг кейинги босқичга йўлланма олишлари кутилган ҳол эди ва шундай бўлди ҳам. Олмонияликлар гуруҳдаги ўйинларни бир текисда ўтказиб, икки ғалаба ва бир дуранг натижага эришдилар. Терма жамоа ҳужумчиси Юрген Клисман рақиблар дарвозасига тўрт бор тўп йўллаб, тўпурарлар баҳсида Саленкони таъқиб этмоқда.

Баливия терма жамоасини учу бир ҳисобида мағлубиятга учратган Испания иккинчи йўлланмани қўлга киритди.

Анатолий Бишовец маслаҳатчилик қилаётган Жанубий Қурия терма жамоаси гуруҳ ўйинларида немисларга ютқазиб қўйишди. Кейинги икки учрашувда дурангга эришишиб, икки очко билан учинчи ўринни эгаллашди. Лекин бу кейинги босқичга чиқиш учун камлик қилди.

## ЯНА ЎША МАРАДОНА

Чемпионат арафасида ўша биз билган Марадона Аргентина сафига яна келиб қўшилди. У чемпионатда чиройли ўйин кўрсатаяпти, битта гол урди ҳам. Футбол ишқибозларига Марадонанинг бошидан кўп машмашалар ўтганлиги яхши маълум. Марадона яна ўйиндан четлатиладиган бўлди. Сабаби Аргентина – Нигерия ўйинида бу машҳур ўйинчи допинг қабул қилган ҳолда майдонга тушган. Энди учрашув натижаси ФИФА томонидан кўриб чиқиладиган бўлди. Ё Аргентинага мағлубият ёзилади, ё қайтадан ўйин бўлади.

Бу гуруҳдаги сўнгги учрашувларга умид билан кўз тикиб турган россияликларнинг бор умидлари пучга чиқди. Агарда Аргентина Болгарияни мағлубиятга учратса, Россия терма жамоаси кейинги босқичга чиқиши мумкин эди. Лекин ундай бўлмади. Худди "Италия – 90" чемпионатида бўлгани каби Аргентина Россияга халақит берди. Болгария терма жамоасига ютқазиб қўйган Аргентина россияликларни кўч-кўрони билан юртига қайтишга мажбур қилди.

Гуруҳ ўйинларида бўш ўйин кўрсатаётган Греция терма жамоаси сўнгги учрашувда ҳам имкониятни бой берди. Греклар Нигерия терма жамоасидан мағлубиятга учрадилар.

Саралаш матчларида бир гуруҳда қатнашиб, АҚШ чемпионатига йўлланма олган Греция учун ҳам, Россия учун ҳам чемпионат тугади.

## ТЎРТ ОЧКО БИЛАН ОРТГА

"Е" гуруҳидаги жамоалар бир хил миқдорда очко жамғардилар. Фақатгина Мексика тўплар нисбатига кўра биринчи, Италия иккинчи, Ирландия учинчи, Норвегия тўртинчи ўринни эгаллади ва тўрт очко билан уйга қайтадиган бўлди. Ачинарли, албатта.

## "ЧЕМПИОНАТ КАШФИЁТИ"

15 жаҳон чемпионатида қатнашиб, Осиё футболини намойиш этаётган Саудия Арабистони футболчилари ўзлари учун кутилган, ўзгалар учун кутилмаган натижаларга эришдилар. Улар Бельгия ва Марокаш терма жамоаларини мағлубиятга учратиб, гуруҳда иккинчи ўринни олдилар. Энди арабистонлик футболчилар ним чоракда Швеция терма жамоасига қарши майдонга тушадилар.

Бу гуруҳдан Бельгия ва Голландия терма жамоалари ҳам кейинги босқичга йўлланма олдилар.

**Нодир МАҲМУДОВ,**
**Алижон АБДУРАҲМОНОВ.**
**"Туркистон" мухбирлари.**

# ҲИСОБ-КИТОБ СОҲАСИДА ҚАЛЛОБЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

(Боши 1-бетда)

меъёрида чек варағини тўлдириши ва чек олувчи эса банкнинг тасдиқловчи белгиси бўлгандагина чекни қабул қилиши лозим.

Афсуски, ушбу талаблар етарлича инобатга олинмаётгани ҳар хил салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Қарши шаҳар "Агроинторг" фирмаси томонидан расмийлаштирилган 2,5 миллиард сўм-купонлик ва 7,5 миллиард сўм-купонлик ҳисоб чекларидан фойдаланишда қўпол хатоларга йўл қўйилган. Бунга сабаб шуки, аввало, Ўзсаноатқурилишбанки Қарши шаҳар бўлими мижознинг чек дафтарчасидан фойдаланишини етарлича назорат қилмаган. Чек билан тўловчи — Қарши шаҳар "Агроинторг" фирмаси эса чекдаги қолдиқ суммани "билмасдан" кўпайтириб кўрсатган. Чек олувчи ташкилот — "Жанубгазқурилиш" трестига қарашли Хева автотранспорт корхонаси эса 10 миллиард сўм-купонлик чекни чек дафтарчасининг қолдиғи билан чек лимитини солиштирмасдан қабул қилиб, уни Ўзсаноатқурилишбанки Хева бўлимидаги ҳисоб рақамига ўтказган ва шунча суммага чек дафтарчасида маблағни кўпайтириш мақсадида тўлов топшириғини расмийлаштирган. Натижада автокорхона юқорида кўрсатилган миқдордаги ғайриқонуний маблағдан фойдаланишга уринган. Лекин Марказий банк ходимларининг вақтида кўрган чора и натижасида бу ҳаракатнинг олди олинди.

Ушбу операция бўйича махсус текширув ўтказилиб, ҳисоб-китоб операцияларида қалбаки ҳужжатларни ишлатишга йўл қўйганлиги учун "Агроинторг" фирмасининг ҳисоб рақами Вазирлар Маҳкамасининг 146-қарори 4-бандига мувофиқ ёпилди ва шу ҳисоб-китоб операцияси бўйича қўпол хатога йўл қўйгани учун Ўзсаноатқурилишбанки Хева бўлими бошқарувчиси эгаллаб турган лавозимидан четлатилди. Ғайриқонуний операциялар натижасида фойдаланилган маблағлар мижозлар ҳисобварақларидан қайтариб олинди ва ўз жойига тикланди.

Ҳисоб-китоб операцияларининг ўз вақтида амалга оширилмаётгани, тўлов ҳужжатларининг асоссиз кечиктирилаётгани сабабли мижозларнинг банк хизматидан кўнгли тўлмаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу борадаги камчиликларни ошкор этиш ва мижозларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлаётган банклар, уларнинг бўлимларини аниқлаш ҳамда уларга тегишли иқтисодий ва маъмурий чоралар кўриб, ҳисоб-китоб ишларини тезлаштириш мақсадида республика Марказий банки томонидан муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Қашқадарёшартномасавдо" бирлашмаси томонидан Андижон ёғ-мой комбинати ҳисобварағига ўтказилган 522164-80 сўм-купон "Андижонбанк" тижорат банки ходимларининг айби билан узоқ вақт шу бирлашма ҳисобига келиб тушмаган. Текшириш натижасида юқоридаги факт аниқланиб, йўл қўйилган камчилик учун "Андижонбанк" тижорат банки бошқаруви раиси қаттиқ огоҳлантирилди, бош мухосиби эса эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Келтирилган зарар учун ушбу банкка иқтисодий жазо тариқасида 7675810 сўм-купон жарима солинди ва мижозга ундириб берилди.

Юқорида қайд этилган барча салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, хусусан, порахўрлик, таъмагарликка қарши курашни кучайтириш, ҳар хил ғайриқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслик, банк ахборотларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк аппаратида махсус бошқарманинг тузилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозир бу бошқарма юқорида кўрсатилган ғайриқонуний ҳаракатларга қарши иш олиб бормоқда.

Табиийки, банк тизими фаолиятини жаҳон стандартлари талабига яқинлаштириш, банклар зиммасидаги бозор иқтисодиётига хос бўлган янги вазифаларни тезроқ ўзлаштириш, аввало, банк кадрларининг малакасига боғлиқ. "Банклар ва банк фаолияти ҳақида"ги қонунга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги 15-қарорига мувофиқ Марказий банк қошида тузилган республика банк тизими муассасалари раҳбарлари ва бош мухосибларининг малакаларини баҳолаш бўйича доимий комиссия ишлаб турибди.

Комиссиянинг вазифасини барча тижорат банклари, мижозлар тўғри тушуниши керак, яъни бу комиссия уларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган, ривожланишга тўсқинлик қиладиган маъмурий бўғин эмас, балки мазкур тизимнинг унга юклатилган вазифаларни ҳалол бажаришига, яқин келажакда соғлом, рақобатга бардош бера оладиган банкчилар авлодининг ўсиб чиқишига замин тайёрлайдиган банк тизимининг бошқарув воситасидир.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, республикамизда бозор иқтисодиётининг шаклланиши, хусусий мулкчилик гуркираб ривожланиши учун барча шароит яратилди. Жумладан, янги-янги хусусий ва бошқа тижорат банклари вужудга келмоқда. Бу банкларда маънавий соғлом, билимли ва ишбилармон ходимларнинг ишлаши эртага улар хизмат кўрсатадиган мижозларнинг манфаатига зарар етмаслиги, ҳақ-ҳуқуқи поймол этилмаслиги учун кафолат бўлади. Қолаверса, барча тижорат банклари орасида соғлом рақобат туғилишига замин яратилади.

Шу боисдан банк раҳбар ходимларининг малакасини баҳолаш комиссияси очиқ овоз бериш йўли билан банк муассасалари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига лойиқ ёки нолойиқлиги борасида синов ўтказади. Йил бошидан буён жами 509 нафар раҳбар ходим, шулардан 212 нафар банк муассасалари бошқарувчилари, 195 нафар бош мухосиб, 100 нафар касса мудири ана шундай синовдан ўтказилди.

Синов натижаларига кўра, кўпчилик банк ходимларининг малакали мутахассис эканига яна бир бор ишончимиз комил бўлди, бошқа бир гуруҳ ходимларнинг банк фаолиятини бошқарувчи ҳужжатлар, яъни қонунлар, йўриқномалар, низомлар ва қоидаларни пухта билмаслиги аниқланди. Натижада 21 та банк муассасаси бошқарувчиси, 5 нафар бош мухосиб, 6 нафар касса мудири синовдан ўтмади.

Хулоса қилиб айтганда, банк ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида молия-кредит механизмларини пухта билиши, мулкчиликнинг ҳар хил шакллари мавжуд бўлган шароитда банк хизмати турларини кўпайтириш, ходимларни бу борада тубдан сифат ўзгаришлари қиладиган, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган мутахассислар даражасига етказиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

**М. ЖУМАГАЛДИЕВ,**
**Марказий банк мухосиба ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти директори.**
**Қ.РАЖАБОВ,**
**Марказий банк ички хавфсизлик махсус бошқармаси бошлиғи.**
**А. МАМАДАЛИЕВ,**
**Марказий банк тафтиш ва назорат бошқармаси бошлиғи.**

**(ЎзА).**



Мана, ниҳоят ҳаммамиз орзиқиб кутган ёзнинг иссиқ кунлари ҳам етиб келди. Ҳар галгидек чўмилиш жойлари, ўлкамизнинг сўлим гўшаларига жойлашган гўзал, хушманзара дам олиш масканлари яна одамлар билан гавжум.

Наманган табиатининг чиройлилиги, ҳавосининг тозалиги ва хушманзара жойларининг кўплиги билан жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидан ажралиб туради. Ёз мавсуми бошланиши биланоқ Наманган дам олувчи меҳмонларни қучоқ очиб кутиб ола бошлайди. Бу санаторийлар барча замонавий техникалар билан жиҳозланибгина қолмай, балки ўз сафини ҳам кенгайтирмоқда. Шулар қаторида яқиндан бошлаб янги "Наврўз" деб номланган дам олиш жойи ишга туширилди. Бу жой ҳам ҳамма қулайликларга эгалиги ва замонавий типда қурилганлиги билан барчани хушнуд этмоқда.

Имконият даражангизга қараб ҳаммангизни Наманганда дам олишларингизни маслаҳат берардик.

**Суратда "Ирригатор" санаторийсининг ҳордиқ чиқарувчиларини кўриб турибсиз.**
**Ф. ҚУРБОНБОЕВ сурати.**

Газета саҳифаланаётганда:

## ЎЗИМИЗНИНГ "ПРЕСС-ЭКСПРЕСС"

Шу йилнинг 28 июнь куни матбуотда эълон қилинмаган оламшумул воқеа содир бўлди. "Истиқлол — 6-Қуйлиқ даҳаси" йўналиши бўйлаб ҳаракатланувчи 37э-автобуси ўзининг "собиқ экспресс" эканлигини эслаб қолди. 4—5 та бекатни ўзидан соқит қилган экспресс ҳозирги кунда йўловчилардан 500 сўм-купон йўл ҳақи олаяпти. Аммо, қизиғи кўнгли бўш ҳайдовчилар йўловчилар илтимосига кўра собиқ бекатларда, баъзан йўловчиларнинг ҳамёнига кўра бекат бўлмаган жойларда ҳам тўхтаб ўтаверишади.

Шу ҳафтанинг машҳур кишиси, йўғе, автобуси, шубҳасиз, 37э-автобуси бўлган бўлса ажаб эмас. Чунки бу автобус кўчага мудраб чиққан одамларга тетиклик, бардамлик бахш этади. Унга чиққан энг камгап одам ҳам ё ёнидаги ҳамроҳига, ё ҳайдовчига бир луқма гап отиб қўймай иложи йўқ. Автобусда эрталабдан жонли, жўшқин бир ҳаёт ҳукм суради. Ҳамма гапиради — ҳеч ким эшитмайди.

Хуллас, 37э-автобуси — Сизнинг омадингиз! Нақд резинканинг ўзи!

Мана, неча йилдирки 37э-автобуси ичи тўла йўловчи билан юради. Агар салонда одамлар камчил бўлса ҳайдовчи олтинга тенг вақтини ҳам аяб ўтирмайди — одам кутади! Кутиб-кутиб, охири одамларни салонга пресслаб, экспресс бўлиб учиб кетади.

Эслаб қолинг: 37э-автобуси тез юради, лекин тез-тез юрмайди. Буни ҳамма билади, эшитади — лекин ҳеч ким гапирмайди.

Бизнинг манзилгоҳ: 1-автопарк

**Йўловчи Н.АЛИМОВ**
**Тошкент шаҳри.**

Жиноят ва жазо

# ҚОНХЎР УЗУК

- **Томдай уюлиб турган пул**
- **Тонг отиб келарди**
- **Қаҳрли қиёфадаги уч йигит**
- **Қип-қизил тухмат**
- **"Устига бензин қуйиб ёқиб юборганлар"**

Тун ярмидан оққан бўлса-да, қуёш дарахтзор қўйнидаги пастаккина чойхонада ҳамон чироқ ёниб турар, ичкаридан маст-аласт қийқириқлар, сўкинишлар баралла-баралла эшитилиб турар эди. Бу жойни ҳужжатларда "Гўзал" номи билан расмийлаштиришса-да, маҳалла-кўй ўзларича "Қобилнинг чойхонаси" дея аташар, кечаси тугул кундузиям бир чақирим наридан юрак ховучлаб ўтишарди. Чунки "Гўзал" Қобил Бўриев деган шахс қўл остидаги жиноий гуруҳнинг уяси эди. Улар ҳар кеч шу ерда тўпланишар, ўғриликдан, босқинчилигу товламачиликдан тушган ўлжаларни "арра" қилишар, қимор ўйнашар, навбатдаги жиноятларни режалаштиришар эди. Қобилнинг тўдаси ҳар хил совуқ ва ўточар яроғлар билан яхши қуролланганиданми ё теварак-атрофдагиларнинг анчайин лоқайдлигиданми, ҳар қалай, ҳеч кимдан тап тортмас, бемалол кекириб, керилиб юришарди.

Мана бугун ҳам кенг-мўлгина чойхонани тамаки тутунига, спиртли ичимликнинг қўланса ҳидига тўлдириб, айқаш-уйқаш ўтиришганича қимор ўйнашаяпти.

— Олчи! — деб қичқирди чўкка тушган куйи ўйнаётган йигит қўлидаги ошиқдаги бўшаган пиёлани ерга қўяркан. Сўнгра, ҳамманинг ҳасадли ва аламли нигоҳи остида ўртада тоғдай уюлиб турган пулларни йиғиштириб олишга киришди. Бу нақ ўн икки соатга чўзилган қиморўйинининг сўнгги нуқтаси бўлди. Ғолиб бу ерда ўтирганларга нотаниш меҳмон Азиз Турғунов эди. Уни бу ерга бошлаб келган Абдураҳим дўстининг муваффақиятидан қанчалар қувонмасин, бироқ юрагининг бир бурчида хавотир тутаб турарди, чунки манови дами ичида ўтирган, бир-бирига маъноли қараб-қараб олаётган кимсалардан ҳар бало кутиш мумкин-да.

— Азиз, юр кетдик, — деди Абдураҳим шоша-пиша, — Сени ўзим олиб бориб қўяман.

Улар қоқилиб-сурилиб чойхонадан чиқишганда бўзариб тонг отиб келарди...

Абдураҳим бекорга хавотирланмаганига уйига етиб бориб, "Москвич-412" маркали машинасини гаражга қўяр-қўймас амин бўлди. У билан кетма-кет етиб келган "Жигули"дан қаҳрли қиёфали уч йигит тушишди. Абдураҳим уларни таниб, юраги "шув" этиб кетди. Бемаврид ташриф буюрганлар кечаги қимор ўйинининг ташкилотчиси ва фаол қатнашувчиси Қобил Бўриевнинг йигитлари эди. Тўғрироғи, улардан иккови ўша тўдабошининг Баҳодир, Қаҳрамон исмли туғишган укалари эди.

— Нима қилиб қўйганингни биласанми? — ўшқирди Баҳодир машина калитини кўрсаткич бармоғида чир-чир айлантириб.

Абдураҳим ҳайрон бўлиб елка қисди.

— Э, бу ерда ади-бади айтишиб ўтирамизми, — дея бетоқатланди Қаҳрамон, — Ҳаммаси чойхонада ҳал бўлади. Қани, кетдик, акам кутиб қолди.

Кутилмаган меҳмонлар Абдураҳимни судраб "Жигули"нинг орқа ўриндиғига ўтқазишди.

Ҳақиқатдан ҳам уларни Қобил бетоқат кутиб турарди.

—Э-ҳа, муттаҳам, — деб қичқирди у Абдураҳимга кўзи тушгач, — қочиб қутилмоқчи бўлдингми? Менинг тилла узугим қани, ифлос?

Қобил сўнгги сўзни айтар-айтмас ҳайрон бўлиб турган Абдураҳимнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Ана шундан кейингина Абдураҳим ҳаммасини фаҳмлаб етди. У Қобилнинг тилла узугини ўғирлашда айбланарди. Абдураҳим бу қип-қизил туҳматнинг нима учун керак бўлиб қолганини ҳам дарҳол тушунди, Қобил ютқазган пулларини бир амаллаб қайтиб олиш пайига тушганди.

— Узугингни мен кўрганим йўқ, — деди Абдураҳим ғўлдираб.

— Жуда яхши, — баттар ўшқирди Қобил, — у ҳолда ким олганини айтасан. Сени қуйиб юборамиз.

Товламачилар Абдураҳимнинг оғзидан "Азиз" деган сўзни кутишарди, ҳолбуки уларга айнан шу исм керак эди-да.

— Мен билмайман... — яна ғўлдиради тутқун. Ғўлдирадию дўлдай ёғилган ур-тепки остида қолди. Уни ўраб турган товламачилар ғазаб отига минишган, раҳм-шафқат нелигини унутишган эди. Кўп ўтмай, Абдураҳим қонга беланган куйи инграб ерга йиқилди.

— Қалайсан энди? — ўшқирди Қобил унинг бошига нафрат билан эгиларкан. — Бўпти, сени қуйиб юборамиз, фақат Азизингнинг адресини айтасан.

Тўдабоши ур-калтаклар наф бермагач, ниҳоят мақсадга кўчганди.

Абдураҳим оғир бош чайқади. Бош чайқадию яна аёвсиз тепкилар остида қолди.

— Айтаман, — деб ингради тутқин, ниҳоят, қийноқлардан тоқати тоқ бўлиб. — Урманглар, айтаман Азизнинг адресини.

***

Азиз ғоят катта ютуқ билан қайтганидан қувончи терисига, ўзи кўрпасига сиғмай ётганида айвон деразаси аллақандай кучли зарбдан чил-чил синиб тушди. Изидан ваҳимали шовқин-сурон кўтарилди. У ҳам ҳайратдан, ҳам қўрқувдан сакраб ўрнидан туриб кетди. Аммо, ташқарига чиқишга улгурмади. Хона эшиги зарб билан очилдию, беш-олти нафар барзангилар ичкарига отилиб киришди. Азиз уларнинг баъзиларини кеча қимор ўйинида кўрганлиги учун дарров таниди.

— Нима гап, оғайнилар? — деди у зўрға.

Босқинчилар ҳеч бир жавобсиз қийқиришган куйи уйни титкилаб, қўлга илашган қимматбаҳо нарсаларни йиғиштириб ола бошладилар.

— Нима гап, оғайнилар? — Азиз яна қайта сўраб, ваҳшийлардан бирининг қўлидан тутди.

— Тилла узук қани? Қобил кутиб турибди, тезроқ айт! — деди босқинчиларга бош бўлиб келган Нуриддин.

Азиз елка қисди.

— Демак, тан олмайсан! — деб қичқирди Нуриддин. — У ҳолда ўзингдан кўр. Кетдик чойхонага! Қолганини ўша жойда давом эттирамиз.

Босқинчилар Азизни калтаклар остида судраб ташқарига чиқишганда қонга бўялган уйни ваҳимали жимлик қоплади.

Азизни "Ҳўкизорол" деб аталадиган овлоқ даштга олиб боришганда тинимсиз ур-калтакдан юз-кўзлари қонга бўялган, аъзойи бадани кўкариб-қорайиб кетган эди. Бироқ у ҳеч қандай тилла узукни кўрмаганини, ҳаммаси ифлосона туҳмат эканини, қайта-қайта такрорлаб тураверди.

Охири Қобилнинг тоқати тоқ бўлиб, кўзи қонга тўлган куйи қичқирди:

— Устига бензин қуйиб, ёқиб юборинглар!

Орадан кўп ўтмай овлоқ дашт бўйлаб олов тутуни ва куяётган инсоннинг аччиқ, аламли фарёди кўкка ўрлади...

**ХОТИМА ЁКИ СУД ҲУКМИДАН**

"Бўриев Қобил Тожибоевич кўпдан бери 20 дан ортиқ кишилик жиноий гуруҳ тузиб, унга раҳбарлик қилиб келган. Унинг бу қонхўр тўдаси томонидан кўплаб ваҳшиёна жиноятлар амалга оширилган. Шулардан бири, 1992 йилнинг 20 сентябри куни содир этилди. Қобил бошчилигидаги жиноий гуруҳ йўқолган тилла узук баҳонасида (аслида йўқолмаган) Турғунов Азизни қаттиқ жисмоний қийноққа солишган, уни ва яна икки шеригини устига бензин қуйиб ёқиб юборишган.

Суд ҳайъати бу ваҳшиёна жиноятни атрофлича кўриб чиқиб, ҳукм қилади:

Бўриев Қобил Тожибоевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 67-моддаси, 17-ва 80-моддасининг 1, 6-бандлари, 219-модданинг 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин ва у отиб ўлдирилсин.."

Юқорида қайд этилган жиноятнинг фаол иштирокчиларидан — Нуриддин Қурбоновга, Бахтиёр Бекмуродовга ҳам олий жазо тайинланди.

**Э. ЖЎРАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокурори,**
**О. АЛИБОЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокурори катта ёрдамчиси.**

## КЕЛГУСИ СОНДА:

- **"Айғирлардан сесканма, ўғлим..."**
- **Эҳ ёшлар, ёшлар!**

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 1045 39231 нусҳада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.

1 2 3 4 5 6.